



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 22 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174 (14.021)

Баҳоси эркин нарҳда

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнги икки йилда ижтимоий нафақа оладиганлар сони 1,3 баробар, нафақа миқдори 2 баробар оширилган, ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий қилинган қайд этилди. Лекин тизим билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида Халқ қабулхоналарига ижтимоий нафақалар тайинлаш билан боғлиқ 36 мингта шикоят бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Масалан, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами аниқлаш, ҳисобга олишнинг ягона мезони йўқ. Пенсия ва нафақалар миқдорини белгилашда муҳим омил бўлган истеъмоладан савати ва яшаш минимуми жорий қилинмаган. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича бепул даволаниш учун берилмаган ордерлар ҳар доим ҳам эҳтиётманд фуқароларга етиб бормаяпти.

Бундай ҳолатлар аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмига уй-жой ажратиш, мактабгача таълим муассасаларида ота-она тўловидан озод қилиш каби масалаларда ҳам учрайди. Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларни уй ва иш билан таъминлаш, ёлғиз кексаларни парвартириш, доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш борасида ҳам камчиликлар бор.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиридан яхлит тизим йўқ, бу масалалар билан 30 га яқин давлат идоралари, ташкилот ва комиссиялар шуғулланмоқда. Йиғилишда халқаро тажриба асосида бу соҳада бутунлай янги тизим жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бунинг учун, аввало, ижтимоий кўмакга муҳтожларни аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш, тўловларнинг манзиллигини таъминлаш зарурийлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасига халқаро ташкилот-

лар экспертларини жалб этиб, истеъмоладан савати ва яшаш минимумини ҳисоблаш тартиби ҳамда истеъмоладан савати ҳисоблаш вазифаси кўйилди. Уни аввал муайян шахар ва вилоятда тажрибадан ўтказиб, кейин амалга киритиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиётманд қатламини аниқлаш ва нафақа тўлашнинг аниқ мезонларини жорий этиш, ижтимоий ёрдам олувчиларнинг ягона реестрини шакллантириш бўйича топшириқлар берилди. Бу реестрнинг афзаллиги шундаки, солиқ, ички ишлар, кадастр, банк, соғлиқни сақлаш, пенсия, меҳнат, коммунал ва маҳалла идоралари маълумотлари ягона базага бириктирилади. Натижада ҳужжатларни йиғишга кетадиган вақт ҳозирги бир неча кундан бир неча соатга қисқаради, фуқаролар битта идорага мурожаат қилиш билан барча масалаларни ҳал эта олади.

Ижтимоий ҳимоя фақат нафақа тўлаш билан қифояланмасдан, балки муҳтожларнинг "оёққа туриши"га кўмаклашиши лозимлиги таъкидланди. Мисол учун, ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли меҳнат шариоити яратиб бериш орқали уларнинг 80 фоизини фойдали меҳнатга жалб қилиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ногиронлик гуруҳлари бўйича касблар классификаторини қайта кўриб чиқиш, уларнинг ишлашига қўшимча имкониятлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, жумладан, уларни иш билан таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Ижтимоий сугурта тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтиш

орқали пенсия бадалини тўлашдан манфаатдорликни ошириш заруриги таъкидланди.

Бунда, биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан муайян сума ушлашиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасини кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратилмаган маблағ миқдорини ўзи белгилайди.

Бу тизим қўлланилса, фуқаро қафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга ўз хоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пенсия олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади.

Шу боис Молия вазирлигига Жаҳон банки ва нуфузли молия ташкилотлари экспертлари билан ҳамкорликда пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, ижтимоий сугурта турларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги тизимни "шок терапияси" усулида ислоҳ қилиш аҳолининг ҳар хил қатламига турлича таъсир этишини алоҳида таъкидлаб, мутаассадиларга 2030 йилгача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди. Бунинг учун 2020 йил биринчи ярми якунигача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни ҳар бир ҳудудда тажрибадан ўтказиш вазифаси кўйилди.

Ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, яшаш жойи бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов жорий йил 28 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама қилади ҳамда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилишининг боришини кўриб чиқади.

Президентлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашади.

Туркменистон Президенти 29 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИГА ДОИР

2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади.

Саммит кун тартибидан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Томонлар, шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Учрашув сўнггида якуний ҳужжат қабул қилиниши қўрилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш таъбибуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил сентябрь ойда БМТ Бош Ассамблеясининг 2012-сессиясида илгари сурилган эди. Биринчи саммит ўтган йилнинг март ойида Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлаш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистонда ядро физикаси тадқиқотлари ўтган асрнинг 40-йилларида бошланган бўлиб, 50-йилларига келиб жадал ривожлана бошлади. Мамлакатда юқори малакали олимларнинг мавжудлиги, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида Ўзбекистон олимларининг самарали илмий изланишлари ва амалий ишланмалари 1956 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилишига замин яратди.

Институт ўзининг 60 йилдан зиёд фаолияти давомида ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида дунё илмий ҳамжамияти томонидан тан олинган йирик тадқиқот марказига айланди.

Ўтган йиллар давомида Институт жамоаси томонидан

муайян ишлар амалга оширилди, шу жумладан: атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, ядро турли назарияси, куйи ва ўта паст энергияларда ядроларнинг парчаланиши ва қўшилиши физикаси, юқори энергиялар физикаси, астрофизика ва космология, қаттиқ жисм радиация физикаси, радиокимёнинг фундаментал жиҳатлари соҳаларида ядровий илмларнинг фундаментал асослари ривожлантирилди; амалий радиокимё, радиоизотоплар ва улар асосида радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун радиацион приборлар ва усуналар тайёрлаш, опто- ва микроэлектроника учун янги материаллар олиш бўйича амалий ядро технологиялари яратилди.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОНДА "ONE MILLION UZBEK CODERS" ЛОЙИҲАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида бир қатор, шу жумладан, ахборот технологиялари соҳасида ҳам ҳамкорлик келишувлари эришилган эди.

Шундан сўнг мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишларни амалга ошириш мақсади билан "One million Uzbek Coders" (Бир миллион ўзбек дастурчилари) лойиҳасидир.

Лойиҳа дастлаб, БААда "One million Arab Coders" номи билан шарт олган. БАА ҳукумати лойиҳани Ўзбекистонга экспорт қилиш имкониятларини ўрганиб, концепцияни мамлакат шариоитига мослаштириш режасини ишлаб чиқди. Шундан сўнг "One million Uzbek Coders" лойиҳаси йўлга қўйилди.

Мазкур лойиҳа кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни таълим портали орқали дастурлаш учун арзон ва сифатли масофадан ўқитиш имкониятини тақдим этишга қаратилган.

Пойтахтимиздаги Инҳа университетидида "One million Uzbek Coders" деб номлаган йирик лойиҳага шарт берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, мамлакатимизнинг вазирлик, идорлари раҳбарлари ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажақ ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдулла ал-Қарқавий, сунъий интелект бўйича давлат вазири Омар бин Султон ал-Олама бошчилигидаги делегацияси иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухоро вилояти маҳаллалар кенгаши ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этиладиган "Энг фаол фуқаролар йиғини" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилган мазкур танловнинг вилоят босқичида 13 маҳалла вакили иштирок этди.

• Ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, ўқитувчи-

ларнинг касбий маҳоратини ошириш, таълим сифати ва тарбиявий соҳада замонавий услубларни қўллаш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Аважон Мароминов ва Республика ишчи гуруҳ аъзолари Хонка туман халқ таълим бўлимига қарашли 27-сон умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюришди. Мактабда 5 та муҳим ташаббус бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. 7 Б-синф ўқувчилари информатика фанидан мастер класс ўтказди. Миллий университет фаолияти билан ўқувчиларни яқиндан таништириб ўтишди. Ўқувчилар уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

• Ўзбекистон мудофеасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши Наманган шаҳридаги 26-сонли Меҳрибонлик уйида спортнинг техник ва амалий турлари таркибига кирувчи ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказди. 23 ноябрь – "Ватанпарвар" ташкилоти ташкил топган кун ва "Ватанпарвар" ташкилоти ташкил топганининг 28 йиллиги байрамига бағишлаб ташкил этилган мусобақада Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда шаҳардаги умумтаълим мактабларидан 80 ўқувчи мерганлик маҳорати бўйича ўзаро беллашди.

ЖАҲОНДА

• Массачусетс Технология институтининг Фанлараро тадқиқот жамоаси Ер қаърида қанча олмос борлигини аниқлаш мақсадида элизилашларни аниқлаш учун қўлланиладиган технологиядан фойдаланишга қарор қилган. Унинг натижасига кўра, тахмин қилиш мумкинки, сайёра қаърида квадриллион тонна олмос ётибди. 1 000 000 000 000 000 – бу бир триллиондан минг марта кўп демекдир. Бирок, тадқиқотчилар, олмослар тўқин-сочин бўлиб кетишини кутиш нотўғри эканини айтишмоқда. Нега деганда, олмос конлари бугунги кончилик машинасозлиги имкониятидан анча чуқурликда, Ер юзасидан 144-240 км.да жойлашган. Маълумки, олмослар ўта катта босим ва юқори ҳарорати мужассам бўлган жойда ҳосил бўлади.

• Фарбий Австрияга қор бўронининг хуржун жиддий оқибатларга олиб келди. Чунончи, қор тағида қолиб кетган бир неча уйлар вайрон бўлди, мактаблар ёпилиди. Шароит энг оғир ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ҳисоб-китобларга қараганда, қор бўронидан мамлакат иқтисодиётига етган зарар 6 миллион еврони ташкил этган.

САЙЛОВГА ОИД МУРОЖААТЛАРНИ Кўриб чиқишда ХАЛҚАРО НОРМАЛАР

Халқаро матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида юқоридagi мавзуда семинар-тренинг ўтказилди.

Видеоконференцалока тарзида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг, Қорақалпоғистон Республикаси марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг раислари ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга масъул аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши юқорилиги, айниқса, улар ўзлари

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, ядро физикаси соҳасида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, Институтнинг илмий салоҳиятини янада ошириш учун қўшимча чораларни кўриш талаб этилмакда, хусусан:

илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизимини тақомиллаштириш;

ёш олимларни тайёрлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий-илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда тадқиқот реакторидан самарали фойдаланиш;

атом энергетикаси йўналишидаги илмий изланишларни йўлга қўйиш; Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, замонавий ядровий ускуналар, юқори энергияли циклотрон, юқори қувватли электрон тезлаткичлар, бошқа асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.

Ядро фанлари ва технологияларини ривожлантириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни олиб бориш тизимини тубдан тақомиллаштириш ва Институт илмий-техник салоҳиятини ошириш, ядровий тадқиқот реакторидан самарали ва бехатар фойдаланишни таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини таъминлашда кадрларнинг малакасини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

назарий ва экспериментал ядро физикаси, атом энергетикаси ва ядровий технологиялар, қаттиқ жисм радиация физикаси ва материалушунослик, ядровий аналитика ва радиокиме, илмий асбобсозлик бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга таъбиқ қилиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институти фаолияти самарадорлигини таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

республика мақсадли фан-техника ва инновацион дастурларини бажариш орқали ядро фани ва технологияларини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш; иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида Институт илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, диссертация ишлари ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

хорижда илмий кадрларнинг касбий малакасини ошириш, шунингдек, Институт илмий фаолиятига чет эл-

лик олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан, хориждаги ватандошларни жалб қилиш;

Институт фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти фаолиятини тақомиллаштириш бўйича мақсадли дастур (кейинги ўринларда – Мақсадли дастур) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2020–2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастури (кейинги ўринларда – Илмий-тадқиқот ишлари дастури) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2021 йилгача мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини босқичма-босқич камайтириш бориш жадвали 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ходимларининг хорижда етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малакасини ошириш режа-график 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Юлдашев зиммасига Мақсадли дастур ва Илмий-тадқиқот ишлари дастури сифатли ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва Мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий масъулият юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишини таъминлашсин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармасининг танлов натижаларига кўра белгиланган тартибда ажратилган маблағлари Институт илмий ходимларининг хорижда малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда замон шиддат билан ривожланиб бормоқда ва ҳар бир соҳанинг тараққиёти йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Бинобарин мамлакат иқтисодиёти ҳам тобора ривожланмоқда. Бунда асосий омиллардан бири бўлган инвестицияни янги қувват ҳамда экспорт занжири деб айтиш мумкин. Ўзбекистонда қисқа муддатда эришилган бундай таърибга жаҳон ҳамjamiyати томонидан юқори эътироф этилмоқда. Республикада юритилаётган фаол инвестиция сисёати, эркинлаштирилган ташқи савдо ва валюта операциялари – соғлом рақобат муҳити ҳамда ҳақиқий бозор иқтисодиётини шакллантирмоқда, деб айтиш мумкин. Албатта бу иқтисодий жараён ҳар бир тармоқ олдига ривожланишнинг ўзига хос омилларидан келиб чиқиб муҳим вазифаларни қўймоқда.

Маълумки, иқтисодий ҳавфсизлик масалалари кўпга омишлар қатори божхона тизимида амалга оширилаётган ислохотларга ҳам боғлиқ. Шу боис соҳа олдига қўйилаётган бир қатор вазифалар аввало, мамлакат ташқи савдо айланмасини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни бу борада ортинча овозгарчиликлардан холи этиб, эркин иш юритишга қўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадларини ўзидан муважжасан эътибор.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари томонидан жойларда ишлаб чиқариш корхоналар вакиллари билан учрашиб, давлатимиз томонидан тадбиркор ва инвесторларга яратилаётган кенг имкониятлар, соҳага оид қабул қилинаётган янги меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маъмул-муҳоятига етказиш, уларга ташқи иқтисодий фаолият жараёнларида яратилаётган қулайликлар ва эркинликлар бўйича амалдаги қонунчилик доирасида тушутиришлар бериш мақсадида жойларга чиқиб, сайёр учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Муҳими, уларнинг фаолиятида учраётган айрим муаммолар жойида ўрганилиб, бартаараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мана шундай учрашувлардан бири “Чукурсой” ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг бир гуруҳ ходимлари томонидан “SOAPCO” корхонасига амалга оширилди.

Буюк Британия инвесторлари иштирокида гигиени воситалар ишлаб чиқаришга иختисослашган корхона соҳибига бир тонна ҳушбўй ҳидли совун ва шампунь каби ювиш воситалари тайёрлаш қувватига эга. Корхонадаги барча технологик ускуналар Германия ва Туркия каби давлатлардан божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган ҳолда келтирилган.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар ҳамкорлиги ва божхона имтиёзларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган корхоналар сони йил сайин эмас, балки кун сайин ортмоқда.

Набатдаги сайёр учрашув “Сергели” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан “Айсел Энерджи” корхонасига ўтказилди. Туркиянинг “Айсел Энерджи” компанияси ҳамкорлигида регулятор қуввати 63 МВт гача бўлган трансформаторларни ишлаб чиқариш заводи ҳам шулар жумласидан. 8 миллион евролик умумий қийматга эга лойиҳа бўйича йилга 600 дана трансформатор ишлаб чиқариш қуввати билан 70 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Муҳими корхонада йилга 3 миллион евролик махсулот хорижага экспорт қилинади.

Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг “Божхона маъмуричилигини тақомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони соҳадаги ислохотларни янада янги босқичга олиб чиқди. Божхона тизимида эришилган натижалар эса амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан дарак беради.

Жорий этилаётган барча чора-тадбирлар аввало тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, қолаверса ички бозорни рақобатбардош махсулотлар билан тўлдириш ҳолда, экспорт ҳажминини кескин оширишдан иборат.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўлиқ ислохотлар, хусусан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортбор махсулотларни қўлайлиги рағбатлантириш, божхона расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш мақсадида олиб боришмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган санаят корхоналари томонидан 44215,5 млрд. сўмлик санаят махсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан санаят ишлаб чиқариш индекси 107,3 фойзни ташкил этди.

Жами санаят ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) санаяти санаят ишлаб чиқариш индекси 108,0 фойз, тоғ-қон ва оғиқ конлари ишлаш санаяти – 104,5 фойзни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 98,2 фойзни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 103,0 фойзни ташкил қилди.

Технологик тарихи бўйича чиқарадиган санаят тарихида юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 2062,5 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган санаят тарихидаги улуши 5,3 фойзни ташкил этди), ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 9726,2 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган санаят тарихидаги улуши 25,1 фойзни), ўрта куйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 13228,9 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган санаят тарихидаги улуши 34,2 фойзни), қуйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 13678,1 млрд. сўмини ташкил этиб (ишлаб чиқарадиган санаят тарихидаги улуши 35,3 фойзни) ташкил этди.

Истеъмол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми 19629,4 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,6 фойзни ташкил этди. Шундан озиқ овқат махсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6042,5 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,0 фойзни, ноозиқ овқат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12838,4 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,9 фойзни, ароқ ва шароб махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 748,6 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,2 фойзни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида санаят ишлаб чиқаришда йирик корхоналар томонидан 14814,9 млрд. сўмлик, кичик бизнес субъектлари томонидан 29400,6 млрд. сўмлик санаят махсулотлари ишлаб чиқарилиди.

Дастлабки маълумотларга кўра Тошкент шаҳрида санаят ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2019 йилнинг январь-октябрь ойларида 66,5 фойзни ташкил этган.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси



ЎЗБЕКИСТОНДА “ONE MILLION UZBEK CODERS” ЛОЙИҲАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонга ташриф буюрганидан бениҳоя хурсандман, – деди БАА сунъий интелект бўйича давлат вазири Омар бин Султон ал-Олама. – Сиз катта ўзгаришлар қаршида турибсиз. Бугунги кунда биз ҳар бир соҳага янги технологиялар кириб келаятганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу жумладан, мамлакатингиз ҳам буюк ўзгаришлар жараёнида.

Бу айниқса, таълимда кенг миқёсда қўлланилмоқда. Таълимда янги технологияларнинг қўлланиши катта самара беради. Технологияларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётига ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида бир қанча иш ўринлари яратилиб, мамлакат келажаги катта пойдевор қўйилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Dubay Future Foundation” жамғармаси, Ахборот технологиялари академияси ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактаб ҳамкорлигида амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббуснинг учинчиси, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган “One million Uzbek Coders” лойиҳаси ҳам ана шу ташаб-

бус асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳа ёш авлодни келажакда дастурлашни ўрганиш орқали меҳнат бозори учун зарур бўлган кўникмалар билан таъминлашга қаратилган.

– Биринчи босқичда лойиҳа глобал меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 4 та мутахассисликни ўз ичига олади. Булар маълумотларни таҳлил қилиш, Android-ишланмалар, FrontEnd-ишланма ва FullStack-ишланмадир. Умумий курс 120 соатлик таълим учун мўлжалланган. Ҳар бир босқич якунида иштирокчилар лаборатория ишларини тайёрлайди ва бундан сўнг уларга махсус сертификатлар топширилади. Курсни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар грантларни кўлга киритиш учун ўз билимларини синовдан ўтказиб олади ва Udacity платформасидаги 100 дан ортиқ “Nanodegree” дастурларининг биринида ўқишни давом эттириши мумкин. Бунинг учун номзод якуний имтиҳонни муваффақиятли топшириши ва энг юқори балл тўплаган 150 талаба рўйхатидаги кириши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Nanodegree” дипломлари “Google”, “At&T”, “Autodesk”, “Salesforce” ва бошқа кўпга ахборот технологиялари гигантлари томонидан тан олинган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов сўзга чикди.

Хуришд ҚОДИРОВ

САЙЛОВГА ОИД МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ХАЛҚАРО НОРМАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайлов кодексимизга мувофиқ, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган ва суд томонидан маъмурий-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилинади. Агар фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликларни аниқласа, тегишли сайлов комиссиясига арз қилиши, шунингдек, фуқаро бу ҳақда судга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Сайлов комиссиялари эндиликда келиб тушган мурожаатларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади. Улар томонидан ушбу мурожаатлар юзасидан текширувлар ўтказилади ва ўз кунлик муддатда ёзма жавоб берилади. Агар сайловга камидан олти кун қолган ёки мурожаат овоз бериш кунли келиб тушган бўлса, унда ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичига юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичига ўзбекистон Республикаси Олий сун-

мажлис ўтказида. Мажлисга манфатдор шахслар тақлиф этилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиққан сайлов комиссияси аъзолари қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсга хабардор қилиши шарт. Сайлов комиссияси ваколатига кирмайдиган мурожаат ўз кунлик муддатда тегишли органга юборилади ва бу ҳақда мурожаат юборган шахс хабардор қилинади.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳам кодексда ўз ифодасини топган. Жумладан, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичига юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичига ўзбекистон Республикаси Олий сун-

“БИР МАҚОН, БИР ЙЎЛ” ЛОЙИҲАСИ ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Тошкентда 21 ноябрь куни Ўзбекистон билан Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Пекин шаҳрида “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан самарали музокаралари мазкур соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Стратегик ҳамкорликни ривожлантириш маркази ва Хитойнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир икки давлатнинг “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлигига бағишланди.

Тадбирда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Абдувалиев, ташқи ишлар вазири ўринбосари Д.Ахатов, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раиси Ли Хуэй Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги икки томон учун ҳам самарали кечаётгани, бу халқларимизнинг дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Институтда илмий-техник дастурлар доирасидаги фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилиши тўхтатилади ва бўшаган бюджет маблағлари Институтни сақлаш харажатларининг молиялаштирилишига йўналтирилади.

4. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари;

халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолияти ҳисобидан тушган маблағлар; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бир ой муддатда:

янги таҳрирдаги Институт устави ҳамда лабораториялар ва илмий ходимлар фаолиятини йиллик баҳолаш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган ёрдамчи ходимлар, жумладан, республикадаги илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-ёрдамчи ходимлари штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Институтни 2020–2024 йилларда ривожланиш концепциясини;

икки ой муддатда 2030 йилгача Институтнинг илмий изланиш фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Юлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 ноябрь

Нурилло НАСРИЕВ

Саидмурод РАҲИМОВ, ўЗА

